

ни бориломда. Бронзан
айталган ҳайкалининг
қинлар ичида асл нус-
санини қуришга мушарраф
уламиз.

— Фақатгина ҳайкал
айта қад кутараётгани
қад, деб уз фикрини бил-
дири. «Метроқурилиш»
жамиятининг иш юритувчиси
Александр Парков.—
қинлар жойлашган майдони
кам бирмунча кенгайди.
қинлар ҳайкал аввалгисига
қинлардан бир ярим баробар

ҳайкал урнатилганидан
майдонини ҳам тулик
таъмирлашга киришдик.
Бундан ташқари ушбу хи-
мат бонда учинчи фавора ҳам
қурилмоқда. Майдондаги
қурилиш ишлари мустақил
байрамнинг турт йил-
лиги нишонланганидан қин-
гача якунланади. Ишимиз-
нинг жадал боришида Ген-
надий Овчинников, Рустам
Маннонов, Николай Вол-
ков, Руслан Авазовларнинг
қиссаси салмоқлидир.

тантаналардан лавҳалар,



ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМПИАДАСИГА ХОЗИРЛАНМОҚДА

Спорт оламида Осиё кичик олимпиадаси деб ном олган 1-Марказий Осиё олимпиадаси ўйинларига ҳамма жойда қизгин тайёргарлик бормоқда. Барча спорт турлари бўйича мусобақалар шахримиздаги «Пахтакор», МХСК спорт мажмуалари, «Алпомиш» спорт саройи, «Ёшлик» спорт майдони, «Юнусобод» теннис корти ва бошқа жойларда бўлиб ўтади. Айни вақтда ушбу масканларда саралаш машқлари, мусобақалар бошланиб кетган. Энг сўнгги, якуний саралаш кўриги эса 20-22 август кунлари бўлиб ўтади.

Республика жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида мусобақаларга тайёргарлик бўйича тузилган ишчи гуруҳининг ҳам ташкилий ва ташвиқот режалари катта. Бунга кўра, матбуот конференциялари ўтказиш, ҳар бир жамоа билан яқиндан танишиш, мусобақаларни узлуксиз ёритиш, маълумотномалар чиқариш, суратли кўргазмалар, маданий дастурларга ҳомийлик қилиш мўлжалланган. Биринчи Марказий Осиё ўйинлари ҳақида алоҳида фильм яратиш кўзда тутилган.

Мусобақаларни кузатиш учун кўпга чет эллик меҳмонлар билан бирга бир спорт тури бўйича Халқаро Олимпия кўмитасидан кузатувчи вакиллар ҳам ташиф буюрадилар. Айниқса, Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчнинг Тошкентга келиши мўлжалланаётгани ушбу мусобақага бутун жаҳон катта эътибор билан қараётганидан дарак беради.

Спортчилар беллашувлар давомида 162 та олтин, 162 та кумуш ва 174 та бронза, жами 498 та медаллар шодаси учун кураш олиб борадилар. Яна шуниси эътиборлики, мусобақалар якуни умумжамоа ҳисобида эмас, балки шахсий ютуқ ва кўрсаткичлар натижасига кўра қайд этилади. Мақсад—мутлақ голибликка интилиш эмас, балки, тажриба алмашиш, дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Дўстлик шахри Тошкентдан бошланадиган бу тадбир кейинчалик анъанага айланиб, ҳар икки йилда навбат билан қўшни мамлакатларда ҳам ўтказилади.

Шу йилнинг 2-8 сентябрь кунлари Тошкентда 1-Марказий Осиё ўйинлари ўтказилади. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатларининг энг кучли спортчилари баскетбол, бокс, велоспорт (шоссе), волейбол, енгил атлетика, мерганлик, эркин ва юн-рум курашлари, қиличбозлик бўйича баҳслашадилар.

Бундан икки йил муқаддам Алмати шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақалардан бирида халқаро Олимпия кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч Умумфариш, Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида бўладиган мусобақалар ҳақида гапириб, бундай минтақавий беллашуви Марказий Осиё микросида ҳам ташкил этиш лозимлигини маслаҳат берган эди. Худди шу фикр ривожлантирилган ҳолда ва республика Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 21 апрелдаги қарорига кўра, 1-Марказий Осиё ўйинларини уюштириш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилди.

Унга республика Бош вазирининг уринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Ўзбекистон Миллий Олимпия

кўмитаси президенти Собиржон Рузиев, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулагановлардан иборат бошқарув гуруҳи раҳбарлик қилмоқда. 12 та спорт тури бўйича бўладиган барча мусобақалар Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Яқинда эса шахримизда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, То-

миктасининг президенти Эшим Қутманалиев, Туркменистон Миллий Олимпия кўмитасининг вице-президенти Нуралӣ Отаев, Тожикистон Миллий Олимпия кўмитасининг бош қотиби Ширинжон Мамадсафоевлар ўз мамлакатлари терма жамоалари 1-Марказий Осиё ўйинларида қатнашишини тасдиқловчи битимга им-

ога-ини, қуда-андамиз. Ҳар доим бир-биримизнинг галабаларимиздан қувониб, фахрланиб келганмиз. Ўзбекистонлик Руфат Рискиев, қозогистонлик Серик Қуноқбоев, қирғизистонлик Оразбек Назаров, тожикистонлик Саидмумин Раҳимов, туркменистонлик Олтимурод Ораздурдиев каби спортимиз юлдузлари ҳаммамизнинг ифтихоримиз...

... Халқаро Олимпия кўмитаси тасарруфидан Тошкентда ўтадиган 1-Марказий Осиё ўйинлари ҳаммамизнинг туйимиз, умумий спорт байрамимиз. Уни чиройли, юқори савияда ўтказишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилсаккина мақсадимизга эришамиз. Ана шундай ҳамкорлик орқали биз тезроқ дунё спортига чиқамиз ва муносиб мавқега эга бўламиз.

Биз барча спортчилар, мураббийлар, мухлислар ва ватандошларимизга мурожаат қилиб, шундай демокчимиз: «Туркистон — умумий туйимиз. Бу юртининг спорт доверлиги, эртанги кунни порлоқ бўлиши учун куч-қувватимизни аямайлик, ҳар доим ҳамнафас, ҳамқадам бўлайлик».

зо чекишди ҳамда қадим Турон — Туркистон заминидagi барча спортчи, мураббий, мутахассис ва мухлисларга мурожаатнома қабул қилишди. Унда жумладан, шундай дейилад:

«Биз қадим Турон-Туркистондек буюк юртининг фарзандларимиз. Томиримиз, дилимиз, динимиз бир. Мақсадларимиз муштарак. Асрлар оша елкадош бўлиб, ҳамфикр, ҳамдард, ҳамсон бўлиб яшаб келаямиз.

АПП ЙИГИТЛАР БАҲСИ

Орзиқиб кутилаётган 1-Марказий Осиё ўйинларининг бошланишига ҳали икки ой бор. Лекин унга қизгин тайёргарлик бир неча ой муқаддам бошлаб юборилган эди. Ҳозир барча турдаги спорт усталаримиз дунёнинг турли чеккаларида ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиш учун жўнаб кетаяпти. Ана шу мусобақаларда сараланган спортчилар августнинг иккинчи ярмида бўладиган сўнгги босқичдаги ҳозирликдан кейин Туркистон беллашув майдонларига тушадилар.

Уйинларда курашнинг эркин ва юн-рум турлари бўйича беллашувлар киритилган. Кураш — Марказий Осиёдаги барча халқлар учун энг қадрдон ва бобоме-рос спорт тури ҳисобланади. Айтиш мумкинки, булажак уйинларда энг қизиқарли баҳслар ҳам кураш майдонларида кечад. Курашнинг нақадар оммавийлигини куйидаги рақам ҳам кўрсатиб турибди: Ўзбекистонда миллий кураш билан 1 миллион 200 мингдан ортиқ киши шугулланади. Бу — республикадаги барча спорт турлари ичида энг юқори кўрсаткичдир. Ҳозир полвонларимиз Тош-

кент вилоятининг Янгиобод шаҳарчасида юн-рум ва эркин кураш бўйича Филиппиннинг Манила шаҳрида ўтадиган Осиё чемпионлигига тайёрланмоқдалар. Бу мусобақада сўнг полвонларимизга июль ойининг биринчи ярмида ўсирилган ўртасида Эронда бўладиган жаҳон чемпионлигига қатнашиш учун ҳам тақлифнома келди.

«Меҳнат заҳиралари» кўнгилли спорт жамиятининг катта мураббийси Олег Дубов курашчиларимизга: «Осиёдаги энг кучли полвонлар» дея баралла таъриф беради. Бу — бежиз эмас. Утган йили Хиросимадаги мусобақаларда Баҳодир Қурбонов ва Григорий Пуляевлар совринли уринларни эгаллаб қайтган эдилар. Бошқа полвонларимиз ҳам кўп-ла халқаро мусобақаларда доимо яхши натижалар билан қатнашганлар.

Янгиободдаги машқларда спорт усталари Дмитрий Коршунов (МХСК), Баҳодир Қурбонов (қасаба уюшмалари), Руслан Сулҳеев, Сергей Красильников, Шермухаммад Кузиев, Исомиддин Кенжаев («Меҳнат заҳиралари») лар иштирок этишмоқда.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

Халқаро Олимпия кўмитаси тасарруфи остида ўтадиган 1-Марказий Осиё ўйинлари дастурига оғир атлетика ҳам киритилган. Қадим Туркистон азалдан паҳлавонлар юрти ҳисобланади. Халқ ўйинлари — дорбозлар томошалари ҳам тош кутаруви полвонлар иштирокида ўтмаслиги бунинг исботидир. Спортчилар ичида айниқса штангачилар кўрам келбатлари билан ажралиб турадилар. Мусобақаларга тайёргарлик қандай кетаётганлигини кўриш учун Марказий армия спорт клубининг оғир атлетика залига бордик. Ушбу спорт тури бўйича мусобақаларни ҳам худди шу жойда ўтказиш режалаштирилган.

Кенг залдаги турли-туман машқ дастгоҳларида 20 нафардан зиёд спортчилар қизгин машқ қилишмоқда. Терлаб, мушаклари ялтираб кетган. Мураббийлар ҳар бирининг ҳаракатларини кузатиб, зарур маслаҳатлар

МАЙДОНГА ЭНГ КУЧЛИЛАР ТУШАДИ

бериб туришибди. Маълум бўлишича, бу йигитлар «Меҳнат заҳиралари» кўнгилли спорт жамиятининг аъзолари бўлиб, мураббий Фурқат Холиқов бошчилигида машғулотлар ўткази-лаётган экан.

— Асосий терма жамоамиз ҳозир Ғазалкент ва Чорвоқда бош мураббий Анварбек Холиқов бошчилигида тайёрланмоқда, — дейди Фурқат ака, — яқинда 7 спортчилдан иборат жамоамиз Корея Республикасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионлигига жўнаб кетишди. Бу ҳам 1-Марказий Осиё ўйинларига тайёргарлигининг бир босқичидир. Ҳали унда қатнашадиган атлетларимиз узи-кесил сараланмаган бўлса-да, ҳозирданок баъзи номзодларни санаб ўтиш мумкин. Булар — армиячилар Дмитрий Фролов (устози — Леонид Дига), Нодир Сулаймонов, Андрей Швеквалар (мураббий — Клим Манушев), Игорь Халилов (устози Ким Александр);

«Меҳнат заҳиралари»дан — Абдуғаффор Синдоров (Анварбек Холиқов) Виктор Янкий (мураббий) — Борис Савченко), қасаба уюшмаларидан — Амридон Хужамов (Рустам Зокиров).

Бу спортчиларимизга каттаумид билдирилмоқда. Яқинда улар оғир атлетика бўйича Эронда ўтказилган Жаҳон Кубогига муваффақиятли қатнашиб, энг юқори уринларни забт этиб қайтишганди. Айниқса, Игорь Халилов яхши натижаларга эришди: силтаб кутаришда 182,5 килограмм, даст кутаришда 225 килограммлик марралардан узиб кетди. Учинчи ҳаракатда эса Игорь Осиё рекордининг янгилашига озгина қолди. (Осиё рекорди — 232 килограмм, Халиловнинг натижаси — 231,5 килограмм).

— Марказий Осиё ўйинларида умумкоманда ҳисобида беллашолмай, фақат шахсий кўрсаткичлар баҳоланади. Шундай бўлса-да, энг кучли рақибларнинг қайси республикадан келиши кутулипти?

— Қозоғистондан. Бу ўзидан маълум, афсонавий Ҳожимуконнинг юртида ҳозир ҳам паҳлавонлар кам эмас. Лекин узимизнинг йигитларимизга ҳам сира паст баҳо бермаймиз. Энг асосийси — бир тур — қадим Туркистон полвонларининг ўзаро ҳам бўлишиб, дустона беллашувларига имкон яратган Марказий Осиё ўйинларининг ташкил этилиши ҳаммамизнинг дилимиздаги айни муддао бўлди.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ

ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 306-ЛИЦЕЙ ТЕХНИКА, ИҚТИСОД ҲАМДА БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА 1995/96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 10-СИНФГА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техника йўналишидаги синфга кириш истагини билдирган ўқувчилар математика, физика, она тили ва адабиётдан;

Иқтисод йўналишидаги синфга кириш истагини билдирган ўқувчилар МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ (инглиз), ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТДАН;

Биология ва экология йўналишидаги синфга кириш истагини билдирган ўқувчилар КИМЁ, БИОЛОГИЯ, ФИЗИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТДАН;

Лицейда ўқиш давлат тилида олиб борилади, унда ёшларни олий ўқув юртига киришга тайёрлашда чуқур ва мукаммал билим берилади.

ҲУЖАТЛАР 25 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Имтиҳонлар 15 августдан 25 августгача бўлиб ўтади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: лицей директори номига ёзилган шахсий аризага ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розиликлари; умумтаълим мактабининг 9 синфини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома; 3х4 шаклдаги 4 дона фотосурат.

Лицей манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Ал-Хоразмий мавзеси. (13, 69, 87, 94 — автобуслар ҳамда 11 ва 23-троллейбусларнинг охириги «Ал-Хоразмий мавзеси» бекати).

Телефон 72-55-96:

«ЗЕНИТ» ФИРМА САВДО — ТЕХНИК МАРКАЗИ ЖАМОА КОРХОНАСИ ИСРОИЛНИНГ ТАНИКЛИ «ТЕГЕРАН» ФИРМАСИДА

ишлаб чиқарилган кондиционерларнинг бой ассортименти нақд пулга

СОТАДИ

Деразага, полга ва деворга ўрнатиладиган, иситадиган ва иситмайдиган кондиционерларнинг турли хиллари бор. Улар масофадан туриб бошқарилади ва ҳар хил майдонни совутиш учун программали иш режимида ишлайди.

Харидорларнинг хоҳиши бўйича савдода бўлмаган бошқа русумдаги кондиционерлар учун буюртмалар қабул қилинади.

БУЮРТМАЛАР 15 КҮН ИЧИДА БАЖАРИЛАДИ.

Манзилгоҳ: Чехов кўчаси, 10-уй (метронинг «Ойбек» бекати).

«ТОШМЕТРОКУРИЛИШ» КУРИЛИШ БОШҚАРМИНИНГ 2-ТОННЕЛЬ ОТРЯДАСИ МЕТРО КУРИЛИШИДА ИШЛАШ УЧУН

сувоқчи-бўғқчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, газ электр пайвандчилар, монтажи чилангарлар, проходкачилар, электр чилангарлар

КЕРАК

Ер остида иш бажарувчилар 25 фойзли солиқ имтиёзидан фойдаланадилар.

Ҳамама ҳодимлар йилда бир марта истаган йўналишида бепул темир йўл чиптаси билан таъминланадилар.

Манзилгоҳ: Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 28-уй.

Телефон — 77-12-53.

ТАШКИЛОТ ИККИТА КАПИТАЛ РЕМОНТДАН ЧИҚҚАН «ЗИЛ-131» АВТОМОБИЛИНИ (УЧ ЎҚЛИ ВАРИАНТИ) ПУЛ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ КЕЛИШЛАН НАРХДА СОТАДИ

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 62-47-66, 62-70-63, 90-56-15 (уй тел. 19 кейин).

3-СОН ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС САРОЙИ ИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилари, ойлик иш ҳақи — 2.750 СЎМ. Троллейбус ҳайдовчилари, ойлик иш ҳақи — 3.200 СЎМ. Ҳаракат тарқиб тазмири бўйича электрчи-чилангар, ойлик иш ҳақи — 1.500 СЎМ.

Кондукторлар, ойлик иш ҳақи — 1.200 СЎМ. **ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ МУТАХАССИСЛИГНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛГАН 20 ЁШДАН ОШГАНЛАР 23- ТБЮГА ЎҚИШГА КИРИШЛАРИ МУМКИН.**

Троллейбус ҳайдовчиси касбига — 6 Ой; трамвай ҳайдовчиси касбига — 5 Ой ўқилади. Ойига 517 сўм степендия тўланади.

БИЗНИНГ ИМТИЁЗЛАР:

— шаҳар электр транспортда юриш бепул;

— 13 ва 14-маошлар;

— самарали хизмати учун қўшимча таътил.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Темури Малик кўчаси, 3-а уй (18, 9-троллейбуслар, 6, 13-трамвайлар, 17, 71, 83, 96, 112-автобусларнинг «Чимён» дўкони бекати).

Телефонлар: 63-28-97 — сарой ҳодимлар бўлими, 63-38-93, 23-ТБЮ.

«Юлдуз» Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «ТОШКЕНТ» КИЧИК КОРХОНАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 34-70-84 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги 149-ўрта мактаб томонидан Корякина Елена Анастасовна номига берилган 9-синфин битирганлиги тўғрисидаги АО 019246 рақамли йўқолган

ГУВОНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят фахрийлар кенгашлари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, подполковник, республика миқёсидаги пенсионер

Рўзан РАСУЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ва дўст-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.



Қиличбозлик — Туркистон халқларининг қадимий ва бобоме-рос жанговар санъатларидан бири ҳисобланади. Қўшма мабодо: «Туркий халқлар фарзандларини от устида тарбиялайдилар, камондан ўқ отиш ва қилич чопишда уларга тенг келаётгани йўқ» деган маълумотлар учрайди. Ҳозир бу жанговар санъатлар асосан спорт турлари сифатида сақланиб қолган. Уч марта жаҳон чемпиони Собиржон Рузиев эса қиличбозлик спортимизнинг доруғини олаётган эди. Ҳозир бу спорт тури билан қиллар ҳам шугулланишмоқдалар. Уларнинг ҳам билаларида Туманик момонинг қони жўш урса не ажаб! Х. Нисотов номадаги 18-бозалар ва ўсириллар спорт мактабиди С. Рузиев соврини учун тез-тез турнирлар ўтказилиб турилади. Ушбу суратда ана шундай турнирлардан бирида тошкентлик ва бишкеклик қиллар беллашуви кўриб турибсиз.

Равил Аъбеков: олган суратлар.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида
руйхатда олинган.
Руйхат сони ~ 10.

Манзилгоҳи:
700000, Тошкент шаҳри,
ГСП, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
хатлар ~ 33-29-70;
эълон ва тижорат хабарларини
ойлаштираш масалалари
бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва
афариши учун қаво-
тарин қилари берил-
макчилиги ва шартлар
уйлаштиради.

Нашри етказиб бериш маса-
лалари бўйича турар жойлар-
даги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаси» шаҳар поч-
та корхонасининг фойдаланиш
буғимига ~ 33-74-05 телеф-
онни мурабат қиланишига
мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ.
Орфет усулда чоп этилади.
Қўғо бичови - А-2.
Газета IBM компьютерда
термиди ва сақланади.
Нашр кўрсаткичи - 64690.

«Шарк» нашрийт-матбаа концерни
босмахонаси. Корхона манзил:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.